




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



DIRECTIONS FOR EXPANDING THE MARKET OF INTERNATIONAL MONEY TRANSFERS IN UZBEKISTAN

A. N. Abdulkhaev

Master's student

*Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Financial sector, digital economy, budget operations, payment system, unemployment rate, International Labor Organization, investment potential, crediting entities.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: The article examines and analyzes the development and improvement of the money transfer market in the Republic of Uzbekistan in recent years. At the same time, the role and prospects of money transfer systems in the market of Uzbekistan were analyzed.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ БОЗОРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ

A. Н. Абдулхаев

Магистратура талабаси

*Тошкент давлат шарқшунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Молиявий сектор, рақамли иқтисодиёт, бюджет операциялари, тўлов тизими, ишсизлик даражаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, инвестицион салоҳият, субъектларни кредитлаш.

Аннотация: Маколада Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда пул ўтказмалар бозорини ривожлантириш ва уни такомилаштириш масалалари куриб чиқилиб тахлил қилинган. Шу билан бирга пул ўтказмалари тизимларининг Ўзбекистон бозоридаги ўрни ва истиқболлари тахлил қилинган.

НАПРАВЛЕНИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЯ РЫНКА МЕЖДУНАРОДНЫХ ДЕНЕЖНЫХ ПЕРЕВОДОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

A. Н. Абдулхаев

студент магистратуры

*Ташкентский государственный университет востоковедения
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Финансовый сектор, цифровая экономика, бюджетные операции, платежная система, уровень безработицы, Международная организация труда, инвестиционный потенциал, кредитные организации.	Аннотация: В статье рассматриваются и анализируются вопросы развития и совершенствования рынка денежных переводов в Республике Узбекистан за последние годы. При этом были проанализированы роль и перспективы систем денежных переводов на рынке Узбекистана.
------------------------	---	--

КИРИШ

Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, доимий тарздаги пул ўтказмаларининг кириб келиши, молиявий ривожланишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида, иқтисодий ўсиш ва камбағаллик даражасининг пасайишини тезлаштиради. Бунда, ушбу таъсир даражаси пул ўтказмалари натижасида олинган қўшимча даромадларнинг қай тарзда сарф қилинишига боғлиқ. Бунда халқаро пул ўтказмаларининг инвестициявий салоҳиятга эга эканлиги ёки унинг бирламчи эҳтиёжларга ишлатилиши муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, пул ўтказмаларининг инвестициявий салоҳияти бевосита мамлакатнинг молия тизими ҳолатига ҳам боғлиқ. Ўзбекистон молия тизимида банк сектори устунлик қиласи ва айни пайтда у юқори салоҳиятга эга деб бўлмайди. Молиявий сектордаги ноаниқликлар кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш шартларига бўлган талабларни кучайтиради. Қарздорлар сўмнинг қадрсизланганидан зарар кўрадилар, чунки тўланмаган кредитларнинг катта қисми доллар ҳисобидаги қарзлар ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистонда ишсизлик даражаси расман 9-9,5 фоиздан ошмайди деб рўйхатга олинган бўлсада, Халқаро меҳнат ташкилоти уни 11 фоиз деб баҳолайди. Ўзбекистон ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат ҳисобланади ва 2022 йилда мигрантлар пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 17 млрд. долларни ташкил этиб, у ЯИМнинг 21 фоизини ташкил этди.

Шунга қарамасдан шундай катта оқимдаги пул ўтказмаларининг асосий қисми бирламчи эҳтиёжларга сарфланмоқда, инвестициявий мақсадга сарфланаётган пул маблағлари улуши ниҳоятда паст. Пул ўтказмалари аввалгидек, асосан истеъмол мақсадлар учун ишлатилмоқда. Шу муносабат билан ушбу маблағларни кичик ва ўрта бизнесни молиялаштирадиган ички манба сифатида самарали ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, молиявий секторни ривожлантириш пул ўтказмаларининг омонатлар ва маҳаллий банк сектори томонидан тақдим этилган

кредитларнинг жами миқдорига кўрсатадиган таъсирига боғлиқ. Аммо мигрантлар расмий молия сектори хизматларидан фойдаланишга нисбатан уни бошқа мақсадларда ишлатишни афзал кўрмокдалар, чунки мамлакатда пул ўтказмалари тизимидағи қийматлар паст, омонатларни суғурта қилиш тизими эса, мавжуд эмас.

Шу муносабат билан жаҳон тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда банкларда пул ўтказмалари тартибларини соддалаштириш, хусусий корхоналар ташкил қилишни қўллаб-кувватлаш ҳамда мигрантларга хизмат кўрсатиш бўйича кўп функцияли марказ тузиш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда 2022 йил ҳолатига кўра, аксарият пул ўтказмалари Western Union, Money Gram, “Золотая корзина” каби тизимлар орқали амалга оширилган.

Ракамли иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро пул узатмалари тизими жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Халқаро пул узатмалари бозорида астасекинлик билан рақобатни кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ҳозирги даврда халқаро пул узатмалари бозорида Western Union (WU) ва MoneyGram (MG) компаниялари етакчилик қиласди. WU тизими жисмоний шахслар ўртасидаги пул узатмаларини ҳам, юридик шахслар ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга оширади. WU нинг халқаро пул ўтказмалари бозоридаги салмоғи 25 фоизга яқинни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда WU дунёning 190 мамлакатида 17 мингта пунктига эга бўлиб, бу пунктларнинг 70 фоиздан ортиқ қисми АҚШ ҳудудидан ташқарида жойлашган компаниянинг умумий даромади 3 млрд. АҚШ долларидан ошади, соф фойдаси эса 1 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласди. Биргина 2002 йилда WU 700 млрд. доллар миқдорида операция бажаришга муваффақ бўлган. Халқаро пул узатмаларининг энг йирик миқдорда қабул қилувчи давлат Ҳиндистон ҳисобланади ва бу мамлакатда WU нинг 12 мингта пункти мавжуд. шунингдек, WU нинг Мексикада 5500 та, Филиппинда 6500 та пункти мавжуд.

MG тизими WU нинг асосий рақобатдоши ҳисобланади. Ушбу тизимнинг дунёning 160 мамлакатида 60 мингта офиси мавжуд. MG бир йилда 120 млрд. доллар миқдоридаги 775 млн. молиявий операция бажаради.

Икки етакчи тизим фаолиятининг муҳим афзалларини қўйидагилардан иборат:

1. Ҳар иккала тизим жуда ишончли тизимлар ҳисобланади. Бу тизимлардан пул маблағларининг ёки маълумотларнинг ўғирланиши, йўқолиб қолиши каби ҳолатлар бўлмаган.
2. Пул узатмалари тезлигининг жуда юкори эканлиги. Пул жўнатилгандан сўнг уни қабул қилувчи бир неча дақиқадан кейин олиши мумкин.
3. Технологик жихатдан такомиллашганлиги.

4. Тизимлардан ривожланган инфратузилмага эга бўлган худудларда фойдаланишнинг мумкинлиги.

Тижорат банклари учун халқаро пул ўтказмаларининг афзал жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

1. Пул ўтказмалари бизнеси банк хизмати технологияларини таомиллаштиришга кучли туртки беради. Пул ўтказмалари бозоридаги рақобат тижорат банкларини экстенсив усувлардан электрон тижорат усулига ўтишга мажбур қиласди.

2. Халқаро пул ўтказмалари мамлакатнинг хорижий валютадаги заҳираларини кўпайтириш йўли билан ташқи савдони ривожланишига кучли туртки беради.

3. Мигрантларнинг пул ўтказмаларининг ҳажми шу қадар катта ва барқарорки, бу ҳолат банкларнинг мазкур операцияларда молиявий воситачилик қилиши ва катта даромад олиши учун зарурият туғдиради. Шуниси характерлики, кўп филиалли банклар пул ўтказмаларидан юқори даромад олиш билан биргаликда, доимий мижозларга ҳам эга бўлмоқда (Bank of America нинг пул ўтказмалари жўнатган мижозларининг 33 фоизи банкда жорий ҳисобрақами очиб, банкнинг доимий мижозига айландилар).

Card-to-card технологияси банкларни битта тўлов тизимига аъзо бўлмасдан туриб ўзаро пул узатмаларида иштирок этишини таъминлайди. Бунинг учун банклар томонидан card-to-card хизмати кўрсатилишининг ўзи кифоя қиласди. Банк тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида банкларни интернет технологиялардан фаол тарзда фойдаланиши зарурий ҳолат ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиб бориши билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг халқаро тўловлар тизимидағи салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Нақд пулсиз тўловларнинг ичида нисбатан энг самарали ва истеъмолчилар орасида энг кенг тарқалгани – бу банкларнинг тўлов карточкалари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тўлов карточкалари муомаладан нақд пулларни ва банк чекларини тобора сиқиб чиқармоқда. Чунки чекларни қайта ишлаш карточкалар билан операцияларни амалга оширишга қараганда банкларга бир неча марта қимматга тушади.

Микропроцессор технологияларини жорий этилиши банк тўлов карточкаларининг ролини янада ошишига олиб келади, чунки «электрон ҳамёнлар» банклар учун бозорнинг энг ноқулай сегменти бўлганмайда тўловлар сегментини ёпиб қўйиши мумкин. Бундан ташқари, микропроцессорли карточкалар катта ҳажмдаги хотира майдони мавжудлиги туфайли ўизга бир неча молиявий иловаларни-кредитли картлар, дебетли картлар, электрон ҳамёнларни сиғдириши мумкин.

Тўлов карточкалари бозорида етакчи мавқеини Visa International ва Master Card эгаллайди. шундай бўлишига қарамасдан, Хитойнинг халқаро савдодаги улуши ошиши натижасида UnionPay карталари ҳам осиё давлатларида оммалашиши кузатилмоқда.

Visa International тўлов тизими томонидан Visa Direct технологияси ишлаб чиқилди ва ҳозир Ғарбий европадаги тијорат банкларида жорий қилинмоқда. Ушбу технология Visa карточкаларига биркитилган хисобрақами бўйича тўловларни бир мамлакатдан иккинчисига тез ва ишончли тарзда амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда миллий тўлов тизими узоқ тарихий даврни босиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3945-сонли қарорига асосан Миллий банклараро процессинг маркази 2018 йилнинг IV-чорагида ташкил этилди ва “Humo” тўлов тизими 2019 йилнинг I-чорагидан бошлаб ишга туширилди.

Мазкур чакана тўлов тизимининг ишга туширилиши банк карталарига асосланган чакана тўлов хизматларини кўрсатиш соҳасида ракобат муҳитининг шаклланишига, иқтисодиётда накд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламининг сезиларли даражада ошишига ҳамда банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ хатарларнинг камайишига хизмат қиласи.

2019 йил давомида хўжалик субъектларининг тўловларини туну кун (24/7) режимида ўтказилишига шарт-шароит яратиш мақсадида 2019 йил давомида Марказий банк ҳузурида халқаро талабларга мос келадиган Маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш бўйича кенг қамровли тайёргарлик ишлари олиб борилди. Тўловларнинг 24/7 режимида ўтказилишини таъминловчи янги Тезкор тўловлар тизимини жорий қилиш юзасидан пилот лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

Мазкур Тезкор тўловлар тизими 2020 йилнинг I-чорагида ишга туширилган бўлиб, унга барча тијорат банкларининг уланиши таъминланди. Бунинг натижасида масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар ҳам худди аҳоли каби ўз тўловларини туну кун реал вақт режимида, яъни тијорат банклари филиал ва шахобчалари иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Тўлов тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар билан бир қаторда, унинг меъёрий-хуқуқий базасини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини, халқаро меъёр ва қоидаларни чукур ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Конуни ишлаб чиқилди ва 2019 йил 1 ноябрда тасдиқланди.

Ушбу Қонун тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасида ягона ахборот ва ҳуқукий муҳитни яратиш, Марказий банк томонидан тўлов хизматлари бозорини, тўлов тизимларининг фаолият юритишини, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини кўрсатувчиларнинг фаолиятини самарали тартибга солиш, тўлов хизматларининг оммабоплиги ва шаффоғлигини ошириш, шунингдек, электрон пуллар соҳасидаги муносабатларни ва электрон пуллар тизими иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш борасида меъёрий-ҳуқукий база бўлиб хизмат қиласи.

Шуни таъкидлаш лозимки, самарали миллий тўлов тизимларини ташкил қилиш рақобатни қучайтиради ва молиявий хизматлардан фойдаланиш даражасини оширади.

Гаровсиз ва ҳаммабоп кредитлаш тизимини кенгайтириш, шунингдек, ўз ватанига қайтаётган мигрантлар ва уларнинг оиласлари учун ҳам кичик бизнесни ривожлантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон ҳукумати микромолия секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳоли молиявий саводхонлигининг пастлиги алоҳида муаммо ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат, миграция ва аҳоли бандлиги вазирлиги мигрантларни кўллаб-қувватлаш мақсадида, бўлғуси ҳамда қайтиб келган мигрантлар, уларнинг оила аъзоларига бепул ва пулли ўкув курсларини таклиф этади. Ушбу курсларда фуқаролар 96 хил касб бўйича ўқитилади.

Умуман, мигрантлар пул ўтказмаларидан самарали фойдаланиш ҳамда кичик ва ўрта бизнесдан фойдаланиш муаммолигича қолмоқда. Фикримизча, мамлакат асосий саъй-ҳаракатларини фуқароларнинг молия ва банк тизимига бўлган ишончини тиклашга қаратиши керак. Зоро, бу аҳолига молиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтиришга зарур шарт-шароит яратади. Шунингдек, Ўзбекистон, бозорда янги иштирокчилар, энг аввало янги мобиль алоқа операторларининг пайдо бўлишига имкон яратувчи тўлов тизимини такомиллаштириши лозим. Инновацион банк воситаларини жорий этиш, пул ўтказмаларини сарфлашни рағбатлантириш ва аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш зарур.

Бугунги кунда трансчегаравий тўловлар бўйича арzon ва сифатли ечимларни таклиф қилиш муҳим йўналишлардан бўлиб ҳисобланади.

Анъанавий банк тизимида банклар пул ўтказмалари тизимлари билан ҳамкорликда алоҳида бўлимлар орқали аҳолига пул ўтказмалари хизматларини амалга ошириб келганлар. Бунда алоҳида ходимлар, алоҳида офис ёки маҳсус жиҳозланган хона ва бошқа харажатлар талааб қилинади. Пул ўтказмалари тизимларининг рақамлаштириши банклар тўлов ташкилотлари билан ҳамкорликда мобил илова орқали халқаро пул ўтказмалари лаҳзада ўtkазиш имконини беради. Бу технологиянинг жорий этилиши тижорат банклари

учун операцион харажатларнинг қисқаришига, мижозлар учун халқаро ўтказмаларни арzonроқ ва лаҳзада ўтказиш имконини беради.

ХУЛОСА

Ҳозирги пайтда бундай иловалар «Универсалбанк» АТБ, «Ипотека-банк» АТИБ фаолиятида йўлга қўйилган. Халқаро пул ўтказмаларига хизмат қилувчи мобил илова ижара, ходимлар бўйича операцион харажатлардан ҳоли бўлганлиги сабабли, илова орқали тўловлар комиссияларини пасайтириш тижорат банклари учун манфаатдорликни пасайтирумайди.

PricewaterhouseCoopers (PwC) компаниясининг «Стоимость ведения бизнеса в Узбекистане 2021» ҳисоботи маълумотлари асосидаги ҳисоб-китобларимиз халқаро пул ўтказмаларини қабул қилувчи бир нуқтадаги банк шаҳобчаси учун тахминий операцион харажатлар суммаси бир йилга 138,3 млн. сўмни ташкил қилишини кўрсатди.

Муқобил каналлар орқали трансчегаравий пул ўтказмалари эса бу каби харажатлардан ҳоли ҳамда сутканинг исталган пайтида белгиланган мамлакатлар доирасида тўловларни лаҳзада ўтказиб бериш имкониятига эга. Мисол учун, «Ипотека-банк» АТИБ фаолиятида банк карталарига «Paysend» тизимида муқобил каналлар орқали трансчегаравий пул ўтказмаларининг комиссия хизматини 2021 йилда 0,7 фоиздан 0,5 фоизга пасайтирилиши «Paysend» тизими орқали халқаро пул ўтказмаларининг суммаси 2021 йилнинг ярим йиллик натижаларига кўра 101,7 млн. АҚШ долларига ошишига олиб келган. Банк операцион харажатлари самарадорлиги коэффициенти таҳлил қилинганида ушбу кўрсаткич 2020 йилдаги 33,9 фоиздан 26,7 фоизга тушганлиги харажатларнинг даромадлардаги улуши пасайганини ифодалаб, бу ижобий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <https://www.westernunion.com>
2. <https://www.moneygram.com>
3. World Migration Report 2022 <https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/WMR-2022-EN.pdf>
4. <https://www.knomad.org/publication/migration-and-development-brief-37>
5. <https://www.un.org/ru/observances/remittances-day/background>